

Самарканд вилояти ҳокимлиги ташкилий-назорат гуруҳи тўғрисида НИЗОМ

I. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 22 декабрдаги “Маҳаллий ижроия ҳокимияти органлари фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги ПҚ-2691-сонли қарорига мувофиқ Самарканд вилояти ҳокимлиги ташкилий-назорат гуруҳининг (бундан кейин “гуруҳ” дсб юритилади) вазифалари, функциялари, ҳуқуқлари, масъулиятини ҳамда фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилайди. Гуруҳ вилоят ҳокимлигининг таркибий бўлинмаси ҳисобланиб, бевосита вилоят ҳокимига бўйсунди.

2. Гуруҳ ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Конституциям, Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президент фармон, қарор ва фармойишлари, Олий Мажлис палаталари, Вазирлар Маҳкамаси, халқ депутатлари вилоят Кенгаши қарорлари, вилоят ҳокимининг қарор ва фармойишлари, Самарканд вилояти ҳокимлиги бошқарув аппарата тўғрисидаги Низом, шунингдек ушбу Низом асосида амалга оширади.

II. Гуруҳнинг вазифалари ва функциялари

3. Гуруҳ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 3 августдаги “Вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари ташкилий кадрлар хизмати мақомини ўзгартириш тўғрисида”ги 303-сонли ҳамда 1999 йил 12 январдаги “Ижро интизомини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 12-сонли қарорлари ҳамда бошқа тегишли қонун ва қонун ости ҳужжатларига асосан иш юритади.

4. Қуйидагилар гуруҳнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

ижро интизомини мустаҳкамлаш чора-тадбирларини амалга ошириш, ҳудудий бошқарув органлари томонидан Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва тоғшириқлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарор, фармойиш ва топшириқлари, шунингдек халқ депутатлари вилоят Кенгаши ва ҳокимининг ҳужжатлари бажарилиши ҳолатини ўргатиш;

вилоят ҳокимлиги таркибий бўлинмалари билан биргаликда белгиланган тартибда ҳокимлик иш режаси лойиҳасини шакллантирган ҳолда унинг

бажарилиши юзасидан назоратни ташкил этиш;

белгилапган муддатларда вилоят ҳокимлиги таркибий бўлинмалари, ҳудудий бошқарув органлари раҳбар ва ходимларидан назоратдаги ҳужжатлар, қарор, фармойиш, йиғилиш баёнлари, чора-тадбирлар, назорат рсжалари ва бошқа топшириқлариинг ижроси тугрисида маълумот олиш;

вилоят ҳокимлиги бошқарув аппарата таркибий бўлинмаларида Ўзбекистан Республикаси қонунлари, Президент фармон, қарор ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамаси қарор, фармойишлари ва бошқа ҳужжатлар ҳамда уларнинг ижроси юзасидан қабул қилинган вилоят ҳокимининг ҳужжатлари бажарилишини таъминлаш чорасини кўриш;

бошқарув аппарата раҳбарлари ва мутахассисларини қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш, рағбатлантириш ва интизомий жазо чораларини қўллаш тўғрисидаги таклифларни ҳокимнинг кўриб чиқиши учуй белгилапган тартибда киритиш;

тасдиқланган лавозимлар номенклатурасига мувофиқ кадрларни танлаш, жой-жойига кўйиш, мутахассисларни тайинлаш ва лавозимдан озод қилиш чора-тадбирлари комплексини амалга ошириш, кўриб чиқиладиган номзодларни ҳар томонлама ўрганишни ва улар бўйича ишончли материаллар тайёрланишини таъминлаш;

келгусида ҳудудий бошқарув органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг раҳбарлик лавозимларига кўтариш, ҳудудларда кадрларга бўлган эҳтиёж асосида амалдаги ва истиқболли кадрлар заҳирасини шакллантириш, уларни босқичма-босқич мўлжалланган лавозимларга тайёрлаб бориш учун мулкчилик шаклидан қатъий назар корхона, ташкилот ва муассасалар билан ҳамкорликда ишларни ташкиллаштириш;

ҳудудий бошқарув органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг бошқарув кадрлари фаолиятининг тизимли мониторингини олиб бориш;

бошқарув кадрларини ҳисобга олиш, уларнинг шахсий ҳужжатлари йиғма жилдларини шакллантириш ва юритиш ишларини ташкил қилиш;

захирага киритилган бошқарув кадрларининг касбий билимларини доимий такомиллаштириш, малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш жараёнипи ташкил қилиш;

вилоят ҳокимининг ўринбосарлари билан биргаликда ўзлари раҳбарлик қиладиган комплекслари (котибиятлар) ходимларини лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод қилиш бўйича таклифлар тайёрлаш, ташкилий-кадрлар масалалари бўйича ҳокимнинг қарорлари ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш;

ҳудудий бошқарув органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг

бошқарув кадрлари ва уларнинг захираси тўғрисидаги маълумотлар базасини шакллантиришни ва доимий янгилаб боришни таъминлаш;

рахбар кадрлар алмашинуви (ротация) жараёнларини ўрганиб бориш ва бу борада таклифлар киритиш, таълим муассасалари ва ўқув юртлари билан кадрларга бўлган эҳтиёжни қондириш юзасидан ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйиш;

худудларда мунтазам равишда кадрлар билан ишлашнинг аҳолини таҳлил қилиш, ёш истеъдодли, мустақиллик ҳояларига содиқ бўлган ватаниарвар, фидойи кадрларни танлаш ва улар тўғрисида раҳбариятга ахборот ва таклифлар бериб бориш;

шаҳар ва туманлар ҳокимликлари ташкилий-назорат гуруҳлариға ташкилий-пазорат ва кадрлар иши бўйича амалий ёрдам кўрсатиш, уларни ахборотларини эшитиш;

давлат мукофотларига тавсия этиш юзасидан тегишли ҳужжатларни вилоят ҳокимлиғи бошқарув аппаратининг таркибий бўлинмалари, ҳудудий бошқарув орғанлари, жамоат ташкилотлари, туман ва шаҳар ҳокимликларини тақлифларини олиш, уларни ишчи 1уруҳ билан бирғаликда ўрганиб чиқиб, вилоят ҳокимиға киритиш;

вилоят ҳокимининг ўринбосарлари, ҳудудий бошқарув орғанлари, шаҳар ва туманлар ҳокимликлари билан бирғаликда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқарув академиясига номзодларни танлаш, ўрганиш ва вилоят ҳокимиға тақлифлар киритиш;

ушбу Академияни битирувчилари ҳамда олий ўқув юртларини битирғапларни кейинги иш фаолияти тўғрисида мониторинг ишларини олиб бориш;

ташкилий-кадрлар масалалари бўйича ҳоким раҳбарлиғида ўтказиладиган йиғилишлар, мажлислар, учрашувлар ва бошқа тадбирларни ташкил этиш чора-тадбирларини кўриш;

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қонунчилик палатаси ва халқ денутатлари маҳаллий Кенгашлари депутатлари сайловларини, Ўзбекистон Республикаси референдумларини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тегишли сайлов комиссияларига ёрдам кўрсатиш;

халқ депутатлари вилоят Кенгаши, унинг комиссиялари ва бошқа ишчи органларининг фаолиятини ташкилий-техник жиҳатдан таъминлаш, депутатларға уларнинг ўз ваколатларини амалға оширишда кўмаклашиш;

фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловларини ташкил этиш ва ўтказишда ҳудудий давлат органларига кўмаклашиш;

маҳаллий давлат ҳокимияти органларига сайловлар тўғрисидаги қонунларда белгиланган вазифаларни амалга ошириш борасида таклифлар тайёрлаш, барча турдаги сайлов комиссияларининг мустақил ва ошқора ишлашлари учун шароитлар яратиб беришга кўмаклашиш;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари, Ўзбекистон Республикаси Президенти Девони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аппарата билан ўзаро ҳамкорлик қилиш;

заруратга қараб вилоят ҳокимлиги бошқарув аппаратининг таркибий бўлинмалари, ҳудудий бошқарув органларининг масъул мутахассислариини вилоят ҳокимлигида кўриб чиқиладиган масалаларни тайёрлаш ишларига жалб қилиш;

гуруҳ ваколатига кирувчи масалалар юзасидан вилоят ҳокимлиги бошқарув аппаратининг таркибий бўлинмалари, ҳудудий бошқарув органлари раҳбар ва ходимлари, шаҳар ва туман ҳокимликлари аппарата ходимларини таклиф эти ни ва уларнинг таклифларини кўриб чиқиш.

Гуруҳ тўғрисидаги Низомга ва ҳокимнинг қарорларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

III. Гуруҳнинг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги

5. Гуруҳ ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш учун қуйидаги ҳуқуқларга эга:

ўзига юклаган вазифалар ва функцияларни бажариш учун зарур бўлган материаллар ва маълумотларни ҳудудий бошқарув органлари, шаҳар ва туманлар ҳокимликларидан белгиланган тартибда олиш ва сўраш;

вилоят ҳокими топшириғига биноан ҳудудий бошқарув органлари, жамоат ташкилотларининг йиғилишларида қатнашиш;

зарурат бўлганда, ташкилий-назорат ва кадрлар иши бўйича ҳокимликда кўриб чиқиладиган масалаларни ишлаб чиқиш, ахборот ва таҳлилий материалларни, шунингдек халқ деутатлари вилоят Кенгаши ва ҳокимнинг ҳужжатлари лойиҳаларини тайёрлаш учун ҳудудий бошқарув органлари, шаҳар ва туманлар ҳокимликлари раҳбарлари ва ходимларини таклиф этиш, ушбу мақсадлар учун ишчи гуруҳлар ташкил этиш;

ҳудудий бошқарув органлари, шаҳар ва туманлар ҳокимликлари томонидан киритилган халқ депутатлари вилоят Кенгаши ҳужжатлари лойиҳаларини пухта қайта ишлашни белгиланган тартибда талаб қилиш;

ҳудудий бошқарув органлари, шаҳар ва туманлар ҳокимликларининг норматив-ҳуқуқий ва бошқа ҳужжатларнинг, халқ депутатлари вилоят Кенгаши ҳужжатлари, ҳокимнинг ҳужжатлари ва топшириқлари, унинг ўриибосарлари топшириқлари бажарилиши юзасидан ишларини белгиланган тартибда ўрғапиш.

Гуруҳнинг зарур материалларни, маълумотларни тақдим этиш, шунингдек ташкилий-назорат ва кадрлар иши бўйича вилоят ҳокимининг қарор, фармойишлари ва бошқа ҳужжатлар лойиҳаларини нухта ишлаб чиқиш бўйича талаблари, агар вилоят ҳокимиинг топшириқларида бажаришнинг бошқа муддатлари белгиланмаган бўлса, гуруҳ белгилаган муддатларда бажарилиши керак.

6. Гуруҳ:

ўзига юкланган вазифаларнинг зарур даражада ва самарали бажарилиши;

Ўзбекистан Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари қарор ва топириқлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармон, қарор, фармойиш ва топириқлари, Вазирлар Маҳкамаси қарор, фармойиш ва топириқлари, шунингдек вилоят ҳокимининг қарор, фармойиш ва топириқлари ҳамда бошқа ҳужжатларнинг вилоят ҳокимлиги бошқарув аппарата таркибий бўлинмалари томонидан ўз вақтида ижро этилиши юзасидан назоратни ташкил этилиши;

кадрлар ҳисобга олинишининг ва улар билан ишлаш бўйича ҳисоботларнинг аҳволи, кадрлар бўйича ҳужжатларнинг сақланиши ва ишларнинг юригилиши учун жавоб беради.

Гуруҳ раҳбари ва ходимлари ўз вазифалари ва функциялари бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажарилмаганлиги учун қонуи ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортилади.

IV. Гуруҳнинг тузилмаси

7. Гуруҳнинг тузилмасига гуруҳ раҳбари, 2 нафар бош мутахассис, 1 нафардан етакчи ва 1-тоифали мутахассислар киради.

8. Гуруҳнинг тузилмаси ва ходимларининг чекланган соии Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 22 декабрдаги “Маҳаллий ижроия ҳокимияти органлари фаолиятини яида такомиллаштириш тўғрисида”ги ПҚ-2691-сошш қарори билан белгиланган.

9. Гуруҳ ишига гуруҳ раҳбари раҳбарлик қилади.

Ташкилий-назорат гуруҳи раҳбари Ўзбекистон Республикаси Президенти Девонининг Ташкилий-кадрлар хизмати билан келишган ҳолда ҳокимнинг фармойиши билан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади.

Гуруҳ ходимлари бошқарув органларида ишлаган, тажрибали мутахассислар орасидан танланади, улар гуруҳ раҳбарининг таклифига асосан вилоят ҳокимининг фармойиши билан лавозимига тайинланади ва озод этилади.

Гуруҳ ўз фаолиятини иш режалари асосида олиб боради.

Гуруҳда ҳар ҳафтада йиғилишлар ўтказилиб, бсрилгап топшириқлар, режаларнинг бажарилиши назорат этилиб, янги ҳафтага мўлжалланган ишлар ва

топшириқлар белгилаб олинади.

Гуруҳ ходимлари ўзларига бириктирилган шаҳар ва туманлар ҳокимликларида ташкилий-назорат ва кадрларга тааллуқли масалалар бўйича ишларнинг аҳволи устидан назорат олиб борадилар.

Гуруҳда иш юритилиши, ҳужжатларнинг ижроси гуруҳ мутахассислари томонидан олиб борилади ҳамда бу ҳақда ҳар ойда гуруҳ раҳбарига маълумот бериб борилади.

V. Гуруҳ фаолиятини ташкил этиш

10. Гуруҳ ишлари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ва бошқа қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарор, фармойиш ва топшириқлари, вилоят ҳокимининг қарор, фармойиш ва топшириқларига мувофиқ, шунингдек вилоят ҳокимлигининг иш режалари, гуруҳнинг иш режалари асосида ташкил этилади.

11. Гуруҳ раҳбари:

Гуруҳга бевосита раҳбарликни амалга оширади, мутахассислар ишларини ташкил қилади ҳамда мазкур Низомга мувофиқ гуруҳга юкланган вазифалар ва функцияларнинг бажарилиши учун тўлиқ жавоб беради.

Гуруҳ мутахассислари ўртасида вазифаларни тақсимлайди ва уларнинг ишларини мувофиқлаштиради, ижро интизомини таъминлайди, соҳага оид ҳокимликда ўтказиладиган йиғилишларда қағнашади.

Вилоят ҳокимининг ўринбосарлари, таркибий бўлинмалар раҳбарлари билан биргаликда вилоят ҳокимлиги бошқарув агшарати ходимлари ҳамда номенклатура бўйича ҳудудий бошқарув органлари раҳбар ходимларини лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод қилиш бўйича таклифлар тайёрлаб, бу билан боғлиқ ҳужжатларни вилоят ҳокимига киритади.

Ўз ваколати доирасида кадрларни танлаш, тавсия этиш ва алмаштириш масалаларини кўриб чиқади ва вилоят ҳокимлиги раҳбарияти билан келишилган ҳолда амалга оширади. Ўзбекистон Республикаси Президенти девони ҳамда вилоят ҳокимлиги раҳбар кадрлар лавозимлари рўйхатига олинган раҳбарларини танлаш, тайинлаш, жой-жойига қўйиш ва уларга амалдаги ва истиқболли кадрлар захирасини шакллантириш ишларини ташкиллаштиради.

Кадрлар захираси сифати учун шахсан жавоб беради. Заҳирага олинган кадрларни босқичма-босқич мўлжалланган лавозимга тайёрлаб боришни ташкил этади.

Гуруҳ ишларини такомиллаштириш, мутахассислар иш малакасини ошириш чора-тадбирларини ишлаб чиқади ва амалга оширади, чиқувчи хат-

хабарларни имзолайди, гуруҳ ваколатига кирадиган вазифаларни ҳал этиш чоратадбирларини белгилайди.

Гуруҳ ходимларини лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод қилиш, уларнинг малакасини ошириш, рағбатлантириш ҳамда интизомий жазо бериш тўғрисидаги таклифларни вилоят ҳокимига тақдим этади.

Гуруҳ мутахассисларига ваколати доирасида топшириқлар беради ва уларнинг бажарилишини назорат қилади.


Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг ҳамда вилоят ҳокимлигининг иш режаси лойиҳаларини кўриб чиқади ва вилоят ҳокими тасдиғига киритади.


Давлат мукофотлари билан тақдирлашга дойр ҳужжатларни расмийлаштириш ишларини ташкил этади.

Ушбу Низомда кўрсатилган ваколатлар доирасида бошқа вазифаларни ҳам бажаради.

12. Гуруҳ раҳбари вақтинчалик бўлмаган тақдирда унинг вазифасини ўзининг кўрсатмаси ва вилоят ҳокими топшириғига кўра бош мутахассислардан бири бажаради.

13. Гуруҳнинг бош, етакчи ва 1-тоифали мутахассислари ўз фаолиятини белгиланган тартибда тасдиқланадиган функционал вазифаларига мувофиқ амалга оширади.

Вилоят ҳокимлиги Ташкилий-
назорат гуруҳи раҳбари
 А.Курахмедов

Вилоят ҳокимлиги Ташкилий-
назорат гуруҳи бош мутахассиси
 А.Раҳматуллаев